# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ТЕЗИСЛАРИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

**ЖАМИЯТИМИЗ ВА ДАВЛАТНИ ДЕМОКРАТИЯЛАШНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИ — ХАЛҚ ВАКОЛАТИНИНГ ТЎЛА ҲУҚУҚЛИ ОРГАНЛАРИ БЎЛГАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИ РОЛИ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТЎЛА ҲАЖМДА ҚАЙТА ТИКЛАШДАН ИБОРАТ.**

(КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларидан).

## ЧИНАКАМ ДЕМОКРАТИК АСОСЛАРДА

**Шу кунларда умумхалқ муҳокамасидан ўтаётган муҳим ҳужжат — КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида ҳозирги вақтда кўплаб замондошларимизни ҳаяжонлантириб турган масала кескин ва принципиал қўйилган. Бу — халқ депутатлари Советларининг роли ва ваколатини меҳнаткашларнинг тўла ҳуқуқли вакиллик органи сифатида тўла тиклаш масаласидир. Тезисларда таъкидланганидек, бу жамиятимиз ва давлатимизни демократиялашнинг бош йўналишидир.**

Ўзининг масалаларга янгича ёндашуви билан ўтган йилларнинг кўпгина сиёсий ҳужжатларидан тамомила фарқ қилувчи бу Тезисларда жамиятимизда таркиб топган вазият чуқур таҳлил қилинади, олға томон ҳаракатнинг йўллари ва воситалари аниқ-равшан ва амалий жиҳатдан кўрсатилади, Совет органлари бутун структураси ва иш методларини ҳар томонлама сифат жиҳатдан ислоҳ қилиш хусусида гап юритилади, Советларга Ленин тасаввуридаги дастлабки маънодаги тўла ҳокимиятни қайтариш вазифаси қўйилади. Ижроия комитетларининг раҳбарлари, уларнинг аппарати томонидан Советларга нисбатан менсимаслик билан муносабатда бўлишдек номақбул кўринишларга қатъият билан барҳам бермоқ лозим. Вакиллик органи, депутатни ўзига бўйсундириб олган маъмурий-буйруқбозлик системаси ҳозир қайта қуришни депсиндириб турувчи асосий ғовлардан бири бўлиб турибди. Бундай иш услуби давлат органларини шакллантириш ва уларнинг фаолиятига хос бўлган чинакам демократик принципларга йўлни бўшатиб бермоғи даркор. Ана шундай фикр Тезисларнинг қоидалари орқали қизил ип бўлиб ўтади.

Афсуски, ўн йиллар мобайнида ижтимоий онгимизда сайловлар сайловсиз ҳам ўтиши мумкин, деган фикр қарор топиб қолган. Одамга эмас, балки анкетага қарашга мажбур қилувчи маълум «тақсимот» ўз амрини ўтказарди. Шу сингари узоқ йиллардан буён ижтимоий турмушда ҳам, кундалик турмушда ҳам Советлардан ҳеч нимани кутиб бўлмайди, депутатлик эса мансабга ёки ишчи унвонига шунчаки қўшиб бериладиган нарса, деган ўй таркиб топган эди. Натижада биз бугун шундай вазиятга келиб қолдикки, бунда ижроия комитетлари, уларнинг аппаратлари амалда Советларнинг ҳокимиятини ўз қўлига олиб қўйди. Советлар эса қарорлар қабул қилувчи сайлаб қўйиладиган органдан аллақачон ҳал қилиб қўйилган масалалар юзасидан қарорлар учун расман овоз берадиган тантанали йиғилишга айланиб қолди.

Фикримизча, вужудга келган аҳволнинг энг муҳим сабабларидан бири Советлар тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка хос жиддий нуқсонларга тааллуқлидир. Қонунларда Советларнинг ваколатлари ғоят умумий шаклда баён этилади, бунда Советлар ва унинг ижроия комитетларининг иқтисодий ва социал тараққиётга раҳбарлиги борасидаги компетенциялари кўлами бир хил таърифланади. Бошқача айтганда, бу соҳада амалда бирорбир масала йўқки, уни ижроия комитет Советларни четлаб ўтиб, ҳал қила олмасин. Шундай қилиб, бугунги кунда Қонуннинг ўзи ижроия-фармойиш берувчи органлар, уларнинг аппаратлари Советлар ваколатини ўз тасарруфига олиши учун ҳуқуқий асосни вужудга келтиради. Мана шундай нотўғри ҳолатга хотима берувчи Советлар тўғрисидаги янги Қонун лойиҳасини жадал ишлаб чиқиш ва умумхалқ муҳокамасига қўйиш етилган вазифаларнинг биридир. Бироқ, бу масала Тезисларда етарли ифодасини топмаган. Шу туфайли унга конференцияда батафсил жавоб берилишини истардик.

Тезисларда энг мураккаб ва катта проблемалардан бири — партия ва давлат функцияларини фарқлаш, партия комитетларининг Советлар функциясига кирувчи ишларни ҳам ўз қўлига олишдан иборат номақбул практикага барҳам бериш тўғрисидаги масала ҳам Тезисларда ўз ифодасини топмаган. Биз, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига ўтаётган ҳозирги пайтда Советларга партия раҳбарлигини давр талабига биноан қайта кўриб чиқиш ва уни В. И. Ленин кўрсатганидек, фақат ва фақат Советларда ишлаётган коммунистлар орқали амалга ошириш муҳимдир. Бу борада ўзгача йўл бўлиши мумкин эмас. Биз таркиб топган тафаккур қолипини бузмасак, ҳеч нимага эришолмаймиз. Маълумки, бундай тафаккурлаш ўзини оқламади. Бироқ у чуқур илдиз отган анъаналаримизда ҳануз ифодаланиб турибди. Ким сиёсий раҳбарликни, ким давлат ҳокимиятини, ким давлат бошқарувини амалга оширувини узил-кесил аниқлаб олмасак, олға ҳаракат қила олмаймиз. Бошлиқларнинг мулоҳазаси қонунга айланишига йўл қўйиб бўлмайди. Шу муносабат билан Советлар ва партия комитетлари ўзаро муносабатининг ишончли ҳуқуқий механизмини яратиш, келгусида партия ва давлат функциялари қоришиб кетишига йўл қўймаслик масаласи ғоят жиддий эътиборга лойиқдир.

Депутатларнинг активлиги Советлар фаолияти самарадорлигини ошириш йўлидаги актуал масалалардан биридир. Ғоят чуқурлашиб бораётган демократиялаш жараёни ва кенг ошкоралилик халқ вакиллари ишини кучайтириш учун шарт-шароитлар яратмоқда. Бироқ шу билан бирга депутатнинг фаоллигига тўғаноқ бўлаётган янги ҳолатлар ҳам пайдо бўлаётганлиги тўғрисидаги гап-сўзлар эшитилмоқда. Таажжубланарлиси шундаки, иқтисодий ислоҳот, хўжалик ҳисоби мана шундай тўғаноқлар қаторида айтиб ўтилаётир. Корхоналар ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтиб ишлаётганлиги туфайли депутатлар жамоат ишини бажариш учун вақт топишлари тобора қийинлашиб бораётир. Хўжалик ҳисоби жорий этилгунга қадар депутатлик вазифаларини бажарганлик учун ҳақ ўртача иш ҳақидан келиб чиқиб тўланаверарди. Коллектив, бригада ҳар бир сўмни ҳисоблаётган ҳозирги пайтда депутатнинг ҳолатини тушуниш осон. У фақат моддий жиҳатдан эмас, муайян маънода маънавий жиҳатдан ҳам кўп нарсани йўқотади. Шу муносабат билан ўз ваколатини бажариш вақти учун депутатга меҳнат коллективи эмас, балки у сайлаб қўйилган Совет ҳақ тўлайдиган тартибни ўрнатиш тўғри бўлур эди. Маълумки, Тезисларда Советларнинг моддий ва молиявий имкониятларини анчагина кенгайтиришни кўзда тутувчи қоидалар ҳақида сўз юритилади. Бу масаланинг шу тариқа ҳал этилиши Советларнинг депутатларнинг активлиги ва улар фаолияти сифатига таъсирини сезиларли оширувчи янги бир омилни вужудга келтирган бўлур эди.

Депутатлар ишини активлаштиришнинг яна бир муҳим омили Советларнинг кўзда тутилаётган президиумларини вужудга келтиришдан иборат. Бироқ фикримизча, президиумлар ва ижроия комитетларнинг компетенциясини олдиндан аниқ белгилаб қўйиш оқилона иш бўлур эди. Акс ҳолда яна «қўшҳокимиятчилик» вужудга келиши мумкинки, бу пировард натижада умуман Совет фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмай қўймайди. Советларнинг президиумлари «Фахрий» органга айланиб қолмаслигини таъминлаш зарур.

Корхоналар хўжалик ҳисоби асосида иш юритаётган шароитларда маҳаллий Советларнинг меҳнат коллективлари кенгашлари билан ўзаро муносабатини тўғри йўлга қўйиш алоҳида аҳамият касб этади. Тезисларда ана шу муносабатларни амалга оширишда Советлар мувофиқлаштирувчи орган ролини ўйнаши кўрсатилган. Фикримизча, ҳокимият органи ва меҳнат коллективининг кенгаши ўзаро бир-бири олдида қандай мажбуриятларга эга эканлигини аниқроқ ва узил-кесил белгилаб қўйиш керак. Ҳозирча бу муносабатлар мавҳум ва тахминий тарзда таърифланган.

Мана шу масалаларнинг ҳал этилиши, фикримизча, депутатлар ва Советлар ишини жонлантиришга муайян ҳисса бўлиб қўшилади, уларнинг фаолиятини қайта қуриш вазифаларига мувофиқ амалга оширишнинг муҳим омили бўлади.

**О. ОЛИМЖОНОВ,**
**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Советлар иши бўлимининг мудири, юридик фанлари кандидати.**

### САҲИФАДА:

- **Советларнинг ваколатини тўла ҳажмда тиклайлик**
- **Депутатлар фаоллигини ошириш — муҳим вазифа**
- **Доимий комиссиялар ишини жонлантирайлик**
- **Сессияларга амалийлик, ишчанлик, тўла ошкоралилик бахш этайлик**

## ОЗ БЎЛСИН-У, СОЗ БЎЛСИН

КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида Советларнинг роли ва ваколатларини тўла ҳажмда қайта тиклаш ҳақидаги фикрларни чуқур қониқиш билан қабул қилдим.

Дарҳақиқат, Советларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини чеклаб қўйиш, уларнинг майда-чуйда ишларига аралашавериш ҳамманинг меъдасига теккан. Иккинчи томондан маҳаллий Советлардаги кўпчилик депутатларнинг пассивлиги оқибатида барча асосий масалаларнинг ижроия органлари томонидан ҳал қилиниши социалистик демократиянинг қўпол тарзда бузилишидир. Назаримда конференцияда маҳаллий Советларга сайловларни ўтказиш тартибида туб ўзгариш ясаш, ҳар бир депутатлик мандати учун камида икки киши номзодини овоз бериш бюллетенларига киритиш масаласида конкрет фикрлашиб олиш лозим. Мана, мисол учун бизнинг район Советимиз составини таҳлил қилиб чиқайлик. Райсовет составининг деярли ярмини турли мансабдор ходимлар ташкил қилишади. Депутатларнинг учдан бир қисми сессияларда иштирок қилишдан ташқари ҳеч қандай вазифани бажармайди.

**Бундан кўра район Советида ҳеч қандай мансабни эгалламайдиган, аммо қайта қуриш ишига чинакам лаёқатли 30 меҳнаткаш депутат бўлса яхши эмасми?** Ҳозир уларнинг сони 95 киши, амалий ишда эса натижа кўринмайди.

**Халқ депутатлари вақти-вақти билан ишлаб чиқариш вазифаларидан озод этилса нур устига аъло нур бўлур эди. Советларнинг президиуми тузилиши депутатларнинг ҳам, ижроия органларининг ҳам фаолияти устидан қатъий назорат ўрнатишга шароит яратади.**

Қишлоқ ва посёлка Советларидаги аҳвол ҳам қаноатлантирмайди. Райондаги 8 та қишлоқ ва 1 шаҳар Советида 410 депутат бор. Бир қарашда катта куч. Лекин депутатларнинг сифат состави талабга жавоб бермайди. **Бизнингча ҳар бир қишлоқ Советида 50 эмас, 10 депутат бўлса кифоя. Уларнинг фаолияти мажлисбозлик эмас, чинакам жонли ишдан иборат бўлиши керак.**

Кейинги пайтда партия комитетлари маҳаллий Советларга бошқарув ишига раҳбарлик қилишда тобора кенг имкониятлар яратиб бермоқдалар. Аммо Советдаги кадрларимизнинг савияси пастлиги учун бу имкониятларни амалга оширишда заифлик кўрсатмоқдамиз. Совет аппаратида ишлайдиган ходимнинг маоши партия ходими у ёқда турсин, ҳатто комсомол ходимининг маошидан ҳам анча пастдир. Натижада Совет органларида ишлаш истагини билдирадиган билимдон ва ишчан кадрларни танлаб олиш қийин. Конференцияда бу масала ҳақида ҳам ўйлаш керак бўлади.

Биз, совет ходимлари фаолиятимиздаги муаммоларни ҳал қилиш, расмиятчилик тўсиқларини улоқтириб ташлашда XIX Бутуниттифоқ партия конференциясидан умидимиз катта.

**О. СУЛАЙМОНОВ,**
**халқ депутатлари Бухоро район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.**



**Тошкентдаги тажриба-механика заводи коллективи аъзолари КПСС Марказий Комитетининг Тезисларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар ва атрофлича муҳокама қилмоқдалар. Кўпқаватли уйлар учун кранлар йиғадиган 1-йиғув цехида ҳам Тезислар муҳокамаси қизғин давом этяпти.**

**Суратда: меҳнат коллективи Совети раиси Л. Тимохин (ўртада)нинг йиғувчи-слесарлар бригадаси аъзолари.**

В. Молгачев фотоси.

## Коллектив тавсия қилсин

**Конференцияда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларини ҳукумат орден ва медаллари билан мукофотлаш, фахрий унвонлар бериш масаласини тартибга солиш ҳақида жиддий гап бўлиши керак. Акс ҳолда мукофотларга тавсия қилиш масаласи аввалгидек тор доираларда ҳал қилинаверади. Бу эса яна қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, шахсий садоқатга қараб баҳолаш каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.**

**У. АМИНОВ,**
**шахсий пенсионер. Андижон шаҳри.**

## ГАП БИЛАН ДАСТУРХОН ТЎКИН БЎЛМАЙДИ

Кейинги вақтда Советлар ишини қайта қуриш, жонлантириш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. КПСС Марказий Комитети Тезисларида ҳам бу хусусда атрофлича тўхталинган. Чунки Советлар фаолиятида қарор топган расмиятчилик, ноаниқлик, сусткашлик аломатлари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига салбий таъсир ўтказди. Энг аввало, Советларнинг обрўйини, мавқеини тушириб юборди.

Биргина депутатлар билан боғлиқ масалани олиб қарайлик. Сайловга тайёргарликдан расмиятчилик бошланади. Сайлов комиссияси аъзолари бир четда қолиб, ишни район, область партия комитетидаги ўртоқлар дўндиришади. Ким депутат бўлиши ҳам уларга боғлиқ. Шундай экан савол туғилади: сайлов комиссияси, сайловнинг қандай аҳамияти қолди? Бунинг устига сайловолди учрашувларида наказлар ижроқўм «дафтари»га қараб топширилади. Залдаги одамлар томонидан берилган битта-яримта наказлар эса инобатга олинавермайди. Чунки бу қурилиш планларида йўқ-да. Пландаги қурилиш ўз-ўзидан бажарилади. Шу зайл депутат ҳам ўз-ўзидан наказни уддалаган бўлади.

Яна бир масала. Совет сессиясида область раҳбарлари, партия комитети бюроси аъзолари президиумдан жой олишади. Гарчи сессияда ҳамма бир ҳуқуқга эга бўлса-да, президиумда доим раҳбарлар ўтиришади.

Унинг қандай ёмон томони бор, дейишингиз мумкин. Оддийгина бир мисол келтираман. Бирор масалани овозга қўйишда қарши овоз бериб кўринг-чи? Дарров область раҳбарларининг диққатига тушасиз. Улар бир неча киши бўлиб, сизни кузатиб туришгач нима ҳам қилардингиз. Индамай қўл кўтараверасиз-да. Ахир, ҳамма масала бир овоздан қабул қилинаверишининг ўзи ҳам расмиятчилик белгиси эмасми? Чунки бир гап ҳаммага маъқул бўлиши жуда оз ҳолларда учрайди. Бу инсон характери, хусусияти, тафаккури билан боғлиқ масала.

Мен 1946 йилдан бери колхозда ишлайман. Бригадирлик қилаётганимга 35 йилдан ошди. Пудрат туфайли йилдан-йилга ҳосилдорликни оширяпмиз. Агар 1981 йилда ҳар гектар ердан 370 центнердан сабзавот ҳосили олган бўлсак, ўтган йили бу кўрсаткич 578 центнерга етди. Биз анжир етиштириш билан ҳам шуғулланамиз. Аммо унинг бир қатор жиддий муаммолари мавжуд. Бу ҳақда ижроқўмдагиларга айтилган, сессияларда гапирганман. Лекин муаммоларни ҳал этиш билан ҳеч ким қизиқмайди. Нега?

Ҳозир кўпчиликни амалий иш эмас, жарангдор, қизиқарли танқидий гап қизиқтириб қолди. Агар бировни танқид қилсангиз сессия яхши ўтди, дейишади. Аммо ана шу танқиднинг ижроси кўпинча назардан четда қолиб кетади. Тўғри, номига тадбир тузилади, номига ахборот ҳам берилади. Бу ҳам расмиятчилик эмасми? Муаммо ҳал этилмагач, ахборотнинг кимга кераги бор? Ахир гап билан дастурхон тўкин бўлмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шундай экан, нега ишга эмас, гапга зўр берамиз.

Мен XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида ана шундай муҳим масалалар ҳам таҳлил қилинади, маҳаллий Советлар ролини, мавқеини, обрўйини оширадиган муҳим йўналишлар белгиланади, деган умиддаман. Чунки қайта қуриш ана шуни талаб қилмоқда.

**Т. ҚУДРАТОВ,**
**Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз бригадири, область Советининг депутати.**

## ВАКОЛАТ ЎЗИМИЗДА БЎЛСИН

Маълумки, Октябрь революцияси кунларида «Бутун ҳокимият Советларга!» деган шиор энг оммавий шиорлардан эди. Инқилобдан сўнг Советлар жуда катта куч бўлган. У халқ хўжалигини ривожлантиришда етакчилик ролини ўйнаган. Афсуски, кейинги йилларда маҳаллий Советлар фаолияти сусайиб қолди.

Қишлоқ Советимиз территориясида учта совхоз бор. Лекин айрим хўжалик ва ташкилотлар раҳбарлари Советлар ишини тўғри тушуниб етмаганлигини ҳам бугун очиқ-равшан айтишимиз керак. Совхозлар раҳбарлари баъзан қишлоқ Совети фаолиятида актив қатнашмайдилар. Совет томонидан қўйилган талаблардан бўйин товлаш ҳоллари рўй беряпти.

Тўғрисини айтсак, бизнинг қишлоқ Совети ҳузуридаги доимий комиссиялар фаолиятидан ҳам кўнглимиз тўлмаяпти. Тўртта доимий комиссия бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги ишларининг боришини, совхозлар экономикасини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, кўп болали оналар ва ёшлар билан шуғулланишда қишлоқ Советига яқиндан ёрдам бериши керак. Ҳатто доимий комиссия аъзолари ишлаб чиқариш билан банд бўлиб комиссия йиғилишларига ҳам қатнаша олмайдилар. Менинг назаримда, доимий комиссиялар расмиятчилик учун ташкил қилинганга ўхшайди. Масалан, қишлоқ Советимиз ҳузуридаги доимий комиссиялар аъзолари сувчи, механизатор, сут соғувчи, чўпон депутатлардан иборат. Улар кўпинча ишдан прогул қилмаслик учун доимий комиссия фаолияти билан шуғулланмайдилар. Доимий комиссия аъзолари рўйхати охирги сайловгача ўзгармайди. Рўйхатдаги кишилар бирор иш қилмайдилар ҳам. Менимча конференцияда доимий комиссиялар аъзоларининг ижтимоий активлигини ошириш тўғрисида ҳам ўйлаб кўрмоқ лозим.

**Хўжанд ҚУРБОНОВ,**
**Қарши район Талликўрон қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси.**

## ЯНГИЧА ЁНДАШИШЛАР КЕРАК

Илгарилари маҳаллий Советларга сайловлар қандай ўтарди? Юқоридан ҳар бир депутатнинг қайси касб эгаси, ёши, жинси ва партиявийлиги кўрсатиб қўйилган рўйхатлар тушириларди. Жойларда номзодлар муҳокама этилмас, фақат сайлов куни улар учун ҳаммамиз овоз берардик, холос. Орадан бир неча кун ўтгач, район газетасида сайловнинг уюшқоқлик ва якдиллик билан ўтганлиги ҳақидаги хабарни ўқир эдик. Шу-шу эндиги сайловгача депутат билан қарийб учрашилмас эди. Колхозчилар ўз ташвишлари бўйича депутатга эмас, балки қишлоқ ва район Совети ижроия комитетларига мурожаат қилишар эди. Чунки, депутат ваколатини ҳам ижроия комитетлар ва унинг аппаратлари ўз зиммаларига олишган, амалда депутатлар олдида ҳал қилинган масалаларга розилик билдириш вазифаси қолдирилганди.

Ўтган йилдан бошлаб бу борада ўзгариш ясалди. Районимизда маҳаллий Советларга сайловлар кўпмандатли система асосида ўтказилди. Айтиш мумкинки, сайловнинг янгича уюштирилиши меҳнаткашларнинг қизиқишини орттирди, номзодларини коллективларда муҳокама қилиш, энг обрўлиларини депутатликка кўрсатиш ва сайлаш имконини берди. Буни бир қатор раҳбарларнинг депутатликдан тушиб қолганида ёки резервда турганида ҳам яққол кўриш мумкин. Рост, аввалари бундай ҳолни хаёлга келтириш амримаҳол эди.

Ҳа, янгича типдаги сайловлар депутатнинг эгаллаб турган лавозимини эмас, балки ғоявий, ахлоқий ва ишчанлик фазилатларига қараб ишонч билдиришга ҳуқуқ беради. Шу боис ҳам КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида сайлов системасини ислоҳ қилиш ҳақидаги фикрни ўқиб жуда хурсанд бўлдим. Унда бу ислоҳотнинг мақсади — депутатликка номзодларнинг эркин кўрсатилишини таъминлаш, уларнинг меҳнаткашлар йиғилишларида, оммавий ахборот воситалари орқали кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинишидир, деб кўрсатилган. Назаримда, ана шу фикрни янада ривожлантириб мустаҳкамлаш керак бўлади. Негаки, сайлов системасини ислоҳ қилиш нафақат Советлар ролини кескин ошириш заруратини, шу билан бирга депутатларга кенг ваколатлар берилиши учун тўла шарт-шароит яратишни ҳам кўзда тутиши лозим.

Келинг, ижроия комитетларнинг аппаратларида кимлар ишлаётганига эътибор берайлик. Кейинги пайтда унинг штатларида хотин-қизлар кўпайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Бизнинг районимиз шароитида ҳам аҳвол шундай. Бу нимани ифодалайди? Бу ўзгаришни хотин-қизлар активлиги ошяпти, масъулиятли лавозимларда ишлашда уларга кўпроқ ишонч билдирилянти, деб баҳолагинг келади. Лекин унинг моҳияти тўла таҳлил этилса бошқача манзарани кўриш мумкин. Советлардаги кўп лавозимларнинг маоши кам. Ўртача 110-130 сўмни ташкил қилади. Табиийки, ҳозирги шароитда бундай маош билан эркак кишининг ишлаши қийин. Чунки пудрат бўйича ишлаётган коллективларнинг ўзида оддий колхозчининг ўртача ойлиги 200 сўмдан кам бўлмайди. Меҳнатни ташкил этишнинг янги системаси жорий этилиши туфайли бошқа соҳа кишиларининг, шу билан бирга ўқитувчи, медикларнинг ҳам маоши анча ошди. Шундай экан, маҳаллий Советларнинг аппаратларида ишлашга хотин-қизларда ҳам рағбат сусайиши турган гап.

Бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин? Менимча, жуда оддий. Совет ходимларининг маошини ўзлари ишлаётган территориялардаги иқтисодий натижалар билан чамбарчас боғлаш лозим. Агар XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида ҳам худди шу масала ижобий ҳал этилса, Советларда ишлаётган ходимларнинг роли, уларнинг масъулияти ва ташаббускорлиги кескин ошган бўлар эди.

**Ж. ҲОТАМОВ,**
**Навбаҳор районидаги Свердлов номли колхоз партия комитети секретари, район Совети депутати.**

## ҚУЙИ ТАШКИЛОТ ОБРЎСИ

Бувайда район партия ташкилотларида, меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезислари қизғин муҳокама қилинмоқда. Яқинда Калинин номли колхоз 5-бригада цех партия ташкилотида Тезислар муҳокамасига бағишланган очиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди. Энг муҳими, Марказий Комитет Тезислари тўғрисида доклад тайёрланиб, унинг моҳияти йиғилиш қатнашчиларига тушунтириб ўтирилмади. Негаки коммунистлар ва партиясизлар йиғилишга қадар уни синчиклаб ўрганишган, пухта ҳозирлик кўришган эди. Шунинг учун ҳам йиғилиш очилиши биланоқ музокаралар бошланиб кетди.

— Марказий Комитет Тезисларида партия органларига сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаш кетма-кет икки, ошиб борса уч сайлов муддати билан чекланиши жуда тўғри таъкидланган,— деди колхоз аъзоси, коммунист Б. Аҳмедов.— **Шу ўринда мен жамоат ташкилотларидан тортиб, то юқори партия органларигача сайлов системасининг фақат яширин овоз бериш йўли билан ўтказилишини таклиф қиламан.**

— Тўғри, бу фикрда жон бор, — деди цех партия ташкилоти секретари А. Шерқулов. — Раҳбарлик лавозимига демократия асосида сайловлар ўтказиш амалда ўзини оқлаяпти.

КПСС Марказий Комитетининг Тезислари юзасидан мен қуйидаги таклифни ўртага ташламоқчиман: **Партия сафига кирувчиларга юзаки, нообъектив тавсиянома берган коммунистларга нисбатан жиддий чоралар кўриш лозим. Негаки партия сафларининг софлигини таъминлаш ва партия аъзолигига энг муносиб кишиларни танлаб олишда тавсиянома берувчиларнинг роли катта.** Улар турли мақсадлар, ҳатто ғаразли ниятларда КПСС сафига кирувчиларга асло имкон бермасликлари керак. Амалда эса ҳамиша ҳам бундай бўлмаяпти.

Оилавий пудратчи Ч. Пўлатова, 4-бригада бошлиғи М. Каримов ва колхоз аъзоси М. Аҳмадқулов халқ хўжалигида тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, мутахассис кадрларга нисбатан талабчанликни ошириш, олға силжиш учун халақит бераётган барча салбий кўринишларга қарши кураш ҳозирча суст бораётгани ҳақида ташвишланиб гапирдилар. Бундай камчиликларга XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида принципиал баҳо берилишига ишонч билдирдилар.

Шунингдек, улар Марказий Комитет Тезисларида партиянинг энг яқин ёрдамчиси Ленин комсомолининг роли ва фаолиятига етарли аҳамият берилмагани ва унга комсомолга партиявий ғамхўрликни оширишни алоҳида банд қилиб киритишни таклиф қилдилар.

Йиғилишда ўнга яқин коммунист ва партиясизлар сўзга чиқишди. Нотиқлар ўз меҳнат коллективлари олдида турган долзарб муаммоларни, хўжалик юритишнинг усул ва услубларини янада такомиллаштиришга оид масалаларни принципиал ҳал этишда XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси муҳим роль ўйнаши лозимлигини таъкидладилар. Жумладан, механизатор, коммунист И. Жўраев шундай деди:

— Конференцияда қуйи партия ташкилотлари роли ва обрўсини оширишга алоҳида аҳамият берилиши керак. Чунки улар бевосита ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида фаолият кўрсатади. Бу ерда ишга халақит бераётган қандай камчилик ва муаммолар борлигини бошқалардан кўра улар яхшироқ билишади. Қолаверса, қуйи партия ташкилотлари ташаббусига кўп нарса боғлиқ.

Шу боис райком вакили ёки хўжалик партия комитети секретари меҳнат коллективларида бўлганида бригадир билан учрашиб кетавермасдан, партия группаси ташкилотчиси ёки партия ташкилоти секретари фикр-мулоҳазалари билан албатта қизиқиши, лозим бўлса амалий ёрдам бериши керак. Муҳими, қуйи ташкилотлар фикрини эътибордан четда қолдирмаслик ва унга бепарво муносабатда бўлмаслик лозим. Шундагина уларнинг роли, обрўси ҳамда ташаббускорлиги ошаверади.

**А. МАДАТОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.**

